



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


| | |
|---|----|
| 1. Зайнаб Абидова ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ..... | 4 |
| 2. Гулзода Алимова АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ..... | 11 |
| 3. Дилорам Бабажанова АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ..... | 18 |
| 4. Iqbol Jabbarova QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI..... | 26 |
| 5. Дилнавоз Рахматова “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ..... | 33 |
| 6. Сохиба Сулайманова СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР..... | 38 |
| 7. Икромжон Умаров СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ..... | 45 |
| 8. Акмал Менглибоев СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР..... | 65 |
| 9. Firyuza Muxitdinova DUNYO OLIMLAR TAHLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA AHAMIYATI..... | 76 |
| 10. Нигина Султонова БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ..... | 83 |
| 11. Одилжон Хамидов БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ..... | 89 |
| 12. Nodira Hasanova SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI..... | 95 |



Сохиба Баходировна Сулайманова,
 Қарши давлат университети
 катта ўқитувчиси (PhD),
 s.sohiba@gmail.com

СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР

For citation: Sokhiba B. Sulaymanova. METHODS IN THE GOVERNANCE OF THE WEST TURK KAGANATE IN THE SOGDIAN OASIS. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.38-44

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217934>

АННАТАЦИЯ

Суғд воҳаси илк ўрта асрларда дастлаб Эфталийлар (420-565), сўнгра эса Турк хоқонлиги (552-744) қўл остидаги Самарқанд, Кушония (Каттакўрғон), Иштихон, Фай, Маймурғ, Кабудон, Панч (Панжикент), Кеш (Шахрисабз), Нахшаб (Насаф/Қарши) ва ҳоказо каби ўнлаб вассал ҳукмдорликлардан иборат эди. Агар ўша давр ёзма ёдгорликлари (хитой, византия, суғдий, араб ва форс) ва нумизматик материалларга назар ташланса, бу даврда ушбу ҳукмдорликлардан муайян бир қисми маҳаллий сулолалар бошқарувида бўлгани, қолган бир қисмида эса Турк хоқонлигига алоқадор сулолалар ҳукм юритгани англашилади. Ғарбий Турк хоқонлиги ўз вассалларини назоратда тутишининг муайян усулларидан фойдаланган бўлиб, бунда маҳаллий сулолаларга унвон бериш (элтабар), назоратчи ноиб сифатида махсус вакил юбориш (тудун), вассалларга ўз қизларини узатиш орқали назоратни кучайтириш ва ҳақозо каби бевосита ва билвосита бошқарув усулларини қўллаган.

Калит сузлар: Суғд, Ғарбий Турк хоқонлиги, бошқарув тизими, маҳаллий сулолар, унвонлар, унвонлар, конфедератив ҳокимият, усуллар, бошқарувда қулланилган воситалар.

Сохиба Баходировна Сулайманова,
 Каршинский государственный университет
 старший преподаватель (PhD),
 s.sohiba@gmail.com

МЕТОДЫ В УПРАВЛЕНИИ ЗАПАДНО-ТУРКСКОГО КАГАНАТА В СОГДИЙСКОМ ОАЗИСЕ

АННАТАЦИЯ

В раннем средневековье Согдийский оазис находился под властью сначала Эфталитов (420-565), а затем Тюркского каганата (552-744) и в его состав входили десятки вассальных территории такие как Самарканд, Кушания (Каттакурган), Иштихан, Фай, Маймург, Кабудон, Панч (Пенджикент), Кеш (Шахрисабз), Нахшаб (Насаф/Қарши) и др. Если проанализируем письменные памятники (китайские, византийские, согдийские, арабские и персидские) и

нумизматические материалы того периода, то подтверждается тот факт, что определенная часть этих владений находилась под контролем местных династий, а остальную часть территории управляли династии, связанные с Тюркским каганатом. Западно-Тюркский каганат использовал определенные методы удержания своих вассалов под контролем, в том числе дарование титулов местным династиям (эльтабар), отправку специального представителя в качестве контролирующего наместника (тудун), усиление контроля таким способом, как выдача своих дочерей замуж местным вассалам, а также использование прямых и косвенных методов контроля в управлении.

Ключевые слова: Согд, Западно-Тюркский каганат, система управления, местные династии, титулы, конфедеративная власть, методы, используемые средства в управления.

Sokhiba B. Sulaymanova,
Senior Lecturer (PhD)
Karshi State University
mail: s.sohiba@gmail.com

METHODS IN THE GOVERNANCE OF THE WEST TURK KAGANATE IN THE SOGDIAN OASIS

ABSTRACT

In the early Middle Ages, the Sogdian oasis was ruled first by the Ephthalites (420-565), and then by the Turkic Khaganate (552-744) and included dozens of vassal territories such as Samarkand, Kushaniya (Kattakurgan), Ishtikhan, Fai, Maimurg, Kabudon, Panch (Penjikent), Kesh (Shakhrisabz), Nakhshab (Nasaf/Karshi), etc. If we analyze written monuments (Chinese, Byzantine, Sogdian, Arabic and Persian) and numismatic materials of that period, then the fact is confirmed that a certain part of these possessions was under the control of local dynasties, and the rest of the territory was ruled by dynasties associated with the Turkic Khaganate. The Western Turkic Khaganate used certain methods to keep its vassals under control, including granting titles to local dynasties (eltabar), sending a special representative as a controlling governor (tudun), strengthening control in such a way as marrying off their daughters to local vassals, and use of direct and indirect methods of control in management.

Index Terms: Sogd, Western Turkic Khaganate, system of government, local dynasties, titles, confederal power, methods, means used in government.

1. Долзарблиги:

Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларида Суғд воҳаси илк ўрта асрларда дастлаб Эфталлийлар (420-565), сўнгра эса Турк хоқонлиги (552-744) қўл остидаги Самарқанд, Кушония (Каттакўрғон), Иштихон, Фай, Маймурғ, Кабудон, Панч (Панжикент), Кеш (Шахрисабз), Нахшаб (Насаф/Қарши) ва ҳоказо каби ўнлаб вассал ҳукмдорликлардан иборат эди. Агар ўша давр ёзма ёдгорликлари (хитой, византия, суғдий, араб ва форс) ва нумизматик материалларга назар ташланса, бу даврда ушбу ҳукмдорликлардан муайян бир қисми маҳаллий сулолалар бошқарувида бўлгани, қолган бир қисмида эса Турк хоқонлигига алоқадор сулолалар ҳукм юритгани англашилади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Бу даврда Суғднинг бошқаруви масаласига бир қатор тадқиқотчилар тўхтаган бўлиб, улар орасида Э. Шаванн, О.И. Смирнова, В.А. Лившиц, Б. Ғофуров, Л.И. Альбаум, Ж.К. Скэфф, Ф. Грене, Э. де ла Вессиер, З. Штарк, Р. Сулаймонов, М. Исҳоқов, Ш. Камолитдин, А. Отахўжаев, Ғ. Бобоёров ва Б. Ғойибовларнинг тадқиқотлари алоҳида ажралиб турадиҳ[1]. Хусусан, О.И. Смирнова хитой, араб ва форс ҳамда суғдий манбалар ва нумизматик материаллар маълумотларидан келиб чиқиб, Суғд воҳасининг Самарқанд, Маймурғ, Кабудон ва Панч ҳукмдорликларида суғдий ва туркий сулолалар бошқарувида бўлганини аниқлаган бўлса, В.А. Лившиц ҳукмдор исмлари, унвонлар ва нумизматик материалларга суяниб, Панчдаги сулоланинг туркий негизга эга эканини кўрсатиб берган. Л.И. Альбаум Афросиёб

деворий суратлари ва хитой йилномаларидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда VII аср ўрталарида Самарқанд бошқаруви туркий сулола қўлига ўтганини таъкидлаган. Панч ҳукмдорларининг туркийларга бориб тақалишига эътибор қаратган А. Отахўжаев кўпроқ мазкур ҳукмдорликни бошқарган хонадон вакиллариининг исм ва унвонларини асос қилиб олган[2]. Нахшаб ҳукмдорларининг туркий эканини илгари сурган Р. Сулаймонов нумизматик ва бошқа археологик материалларга эътибор қаратган[3]. Суғд ҳукмдор сулолаларининг келиб чиқишига анча кенг тўхталган Ғ. Бобоёров эса асосан нумизматик ва ёзма манбаларга мурожаат қилиб, Самарқанд, Панч, Кабудон ҳамда Нахшабда туркий ва туркий-суғдий аралаш сулолалар ҳукм сурганини кўрсатиб берган[4].

3. Тадқиқот натижалари:

Кўпчилик тадқиқотчилар бу даврда воҳани суғдий сулолалар бошқаргани, Эфталлийлар ва Турк хоқонлигининг Суғддаги бошқаруви нисбий бўлгани, улар бу ердаги маҳаллий ҳукмдорликларнинг бошқарув ишларига деярли аралашмагани ва асосан ўлпон олиб туриш билан чекланганликлари, воҳа бошқарувчиларининг этник таркибида ўзгариш унчалик даражада сезилмаслигини таъкидлашган. Шунингдек, Суғд ҳукмдорликларининг таркиби, бошқаруви, марказий ва вассал шакллари, мавжуд унвонлар тизими, улар орасидаги умумийлик ва ўзига хосликлар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар борасида ҳам бир-бирига зид фикрлар билдирилган бўлиб, улар орасида ўша давр реал воқеликларига мос ёки кўпчиликни муроасага келтирадиган устувор фикрларни ажратиб олиш қийин. Масалан, айрим тадқиқотчилар Суғдни “подшолик” деб атасаларх[5], бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса Суғддаги ҳар бир тарихий географик вилоят ва туманни, бошқача айтганда субъектни “ҳукмдорлик” ёки “воҳа ҳукмдорликлари” деб аташни маъқул кўрмоқдалар[6].

Илк ўрта асрларда Суғд воҳасининг бошқарув шаклини кўпчилик тадқиқотчилар орасида асосан қуйидагича тушунтирадилар:

а) Муайян бир конфедерация шаклидаги бошқарувга эга бўлган Суғд бир қатор бир-биридан мустақил кичик мулклардан, яъни майда ҳукмдорликлардан иборат бўлиб, улар орасида дастлаб Кеш (VII аср ўрталаригача)[7], кейинчалик эса Самарқанд (VII аср иккинчи ярмидан – VIII аср иккинчи ярмигача) марказий ҳокимият вазифасини бажарган[8]. Кичик мулклар (қишлоқлар ва нисбатан йирик маъмурий бирликлар, яъни рустоқлар) *деҳқон* унвонли маҳаллий ҳоким томонидан бошқарилиб[9], улар муайян бир ҳукмдорликнинг марказий шаҳрида ўтирувчи ҳукмдорга бўйсунган. Ўз навбатида бундай ҳукмдорлар Суғд конфедерациясининг марказий бошқаруви мақомидаги *ихшид* унвонли ҳукмдорга тобе бўлишган[10].

А. Аскарлов, А. Мухаммаджоновларнинг фикрича, ўз навбатида Эфталлийларга, кейинроқ эса унинг ўрнини эгаллаган Турк хоқонлигига қарам бўлган Суғд мазкур хоқонликларга ўлпон тўлаб, ярим мустақил, баъзан эса деярли тўла мустақил давлат сифатида ҳокимият юритишган[11]. Айниқса, Турк хоқонлигининг Суғд устидаги ҳокимияти нисбий бўлиб, ўз бошқарувини сақлаб қолган маҳаллий сулолалар билан хоқонлик орасидаги алоқалар анча заиф бўлган. Бунга хоқонликнинг марказлашмаган ҳокимият шакли ҳам таъсир кўрсатган. Суғд конфедерациясида асосан маҳаллий (шарқий эроний) бошқарув шакли амал қилиб, ҳукмдорлар ва амалдорлар ўзларининг суғдий унвонлари билан ҳукм юритишган. Самарқанд ва Кешда маҳаллий унвонлар орасида нисбатан мавқеи юқори бўлган унвонлар – *ихшид* (Самарқандда) ва *ихрид* / *ихшид* (Кешда), қолганларида эса *хуву* / *хвабу*, *хунав* ёки *худот* унвонлари бош унвон сифатида амал қилган. Турк хоқонлиги даврида Суғднинг бир қатор ҳукмдорликларида *элтабар*, *чўр*, *тархон* каби туркий унвонлар қўлланила бошлаши эса мазкур ҳукмдорликларнинг хоқонлик қўл остида бўлиши ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўз даврида “русум” (мода) бўлган бу унвонларни ўзларига қабул қилиб олишлари натижасидир[12].

б) охириги йилларда ўртага ташланган ва хануз кенг ёйилмаган ва унчалик кўп тарафдор топмаган иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари О.И. Смиирнова, Ж.К. Скэфф, Ғ. Бобоёров, А. Кубатинларнинг фикрича, Суғднинг бошқарув шакли, гарчи юқорида келтирилганидек маҳаллий асосга эга бўлиб, бошқарувда анъанавийлик устувор бўлиши баробарида

Эфталийлар ва Турк хоқонлигининг таъсир доираси анча кенг бўлган ва узвийлик касб этган. Хусусан, Турк хоқонлигининг Суғд бошқарувида, шунингдек хоқонлик ва суғдий ҳукмдорликлар орасидаги сиёсий алоқалар муайян бир тизим асосида амалга оширилган. Уларга кўра, хоқонлик Суғд бошқарувида бевосита ва билвосита аралашган бўлиб, Суғднинг бир қатор ҳукмдорликларида туркий ва туркий-суғдий қоришиқ сулолаларнинг ўртага чиқиши, бошқарувда туркий унвонларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қадимги турк бошқарув тизимига мос равишда Суғдда ҳам ўз иерархиясини сақлаши бунга асос бўла олади[13]. Шунингдек, Турк хоқонлигини марказлашмаган ва вассаллар бошқаруви нисбатан заиф давлат деб баҳолаш хоқонлик тарихининг яхши ўрганилмагани ҳамда бошқарув тизимининг моҳияти етарлича тушуниб етилмаганининг натижасидир.

Бизнингча, ҳар иккала гуруҳ тадқиқотчиларининг ҳам мазкур талқинларининг ўзига хос ҳаққоний ва мунозарали томонлари бор. Чунончи, илк ўрта асрлар Суғд сиёсий тарихига оид манбаларни чуқурроқ назар ташлаш бундай фикрга келишимизга имкон беради. Шунингдек, хитойлик муаллифлар томонидан Суғд бошқаруви, хусусан, бу ердаги хоқонлик ҳокимияти масаласида берилган маълумотлар анчагина қисқа бўлиб, фақатгина улар асосида аниқ бир тўхтама келиш қийин. Араб ва форс тилли манбалари эса асосан араб истилоси ва унга қаршилик кўрсатган Суғд ва Ўрта Осиёнинг бошқа ҳукмдорликлари воқелиklarини ёритгани боис улар асосида бу дарвдаги бошқарув шаклининг тўлиқ моҳиятини аниқлаш анча мушкул. Бу ҳолат мазкур ҳукмдорликлар ва Турк хоқонлиги билан вассаллик масаласида айниқса, яққол сезилади.

Турк хоқонлиги Суғднинг анъанавий ички бошқарув шаклини ўзгартирмаган эди. Бироқ уни назоратда тутиш, солиқ ва ўлпонлар йиғилишини уюштириш, ўрни келганда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш каби тобе ҳукмдорлар гарданига юклатиладиган мажбуриятларни бошқа вассал ҳукмдорликлар қаторида Суғд устидан ҳам жорий қилгани кўзга ташланади. Бу каби сюзерен ва вассал орасидаги муносабатларга алоқадор маълумотлар ёзма манбаларда анча-мунча учрайди. Агар бу масалага Суғд мисолида назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагича манзарага гувоҳ бўламиз:

1. *Ташқи алоқалар.* Юнон манбаларида келтирилишича, Византия элчилари 560-йилларнинг охирилари – 570-йиллар мобайнида Турк хоқонлиги бошқарув марказига, яъни Эктоғ (Юлдуз водийси)га ташриф буюриб, қайтиб кетишаётганида вассал ҳукмдорликларнинг ҳам Византияга элчи юборишга изн сўраб хоқонликка мурожаат қилиши қисқача баён этилиб, турк хоқони мавжуд вассал (ҳукмдорликлар)дан фақат Хвалис (Хоразм)ликларга элчи юбориш учун рухсат бергани таъкидланади[14]. Бу эса хоқонлик томонидан Суғд ҳукмдорларининг ҳам ташқи алоқаларининг чеклангани ёки назоратга олинган эди мазмунида тахмин қилишга имкон беради. Тўғри, VII–VIII асрларда бир неча Суғд ҳукмдорликларининг Хитойга элчилар юборганлиги йилномаларда қайд этилади[15]. Бироқ бу каби воқелиklar асосан, ё хоқонликнинг марказий ҳокимиятида юз берган вақтинчалик сиёсий инқирозлар (исёнлар, тахт-талашувлари ва ҳ.к.) ёки хоқонлик устидан Хитой устунлигини ўрнатилган пайтларга тўғри келгани кўзга ташланади. Шу билан биргаликда, Суғд ва бошқа вассалларнинг Хитойга элчи юбориши хоқонлик томонидан чеклангани ёки аксинчалигини тасдиқлайдиган маълумотлар ҳам деярли мавжуд эмас. Ҳарҳолда улар бу масалада анча эркин бўлган кўринади.

2. *Ҳарбий мажбуриятлар.* Турк хоқонлиги қўл остидаги вассалларга, гарчи хоқонликнинг барча ҳарбий ҳаракатларида иштирок этиш ёки моддий томондан ёрдам бериш мажбуриятини юклаган бўлмаса-да, зарурий вақтларда хоқонлик томонидан вассалларга шунга ўхшаш талаблар қўйилгани эҳтимоли юқори. Хусусан, VII аср охири – VIII аср илк ярмида Араб халифалиги истилосига қарши курашда Амударё – Сирдарё оралиги ва унга қўшни ҳудудлардаги Чоч, Фарғона, Суғд, Тўхористон ҳукмдорлари иттифоқига бошчилик қилган турк хоқонларининг мазкур иттифокдошлардан қўналға бериш, аскар талаб қилиш, озуқа ва қурол-аслаҳа етказиб бериш, отларни емиш билан таъминлаш ва ҳоказо каби талаб қилинган ёзма маълумотлар асосида ўз тасдиғига эга. Жумладан, араб тилли манбаларда Самарқанд ҳукмдори Ғурак (710–738 й.) араблар билан учрашганда ўзини хоқоннинг

кулларидан ва чокар (хос аскар)ларидан бири сифатида таърифлайди[16]. Шунингдек, Муғтоғи ҳужжатларидан В-17 рақамли ҳужжатдан маълум бўлишича, араб истилочилари ҳужумлари пайтида Панжикент ҳукмдори Деваштич (709-722) ҳоқондан ўзига «юксак мартаба ва эҳтиром» келганини таъкидланиши баробарида турк лашкарбошиси ўз қўшинлари билан келиб жойлашган жой (қўналға) ҳақида сўз юритилади[17].

3. *Никоҳ алоқаларининг йўлга қўйилиши.* Турк ҳоконлари қўшни давлатлар ва ўз вассаллари (ҳам қўл остидаги кўчманчи қабилалар бошқаруви, ҳам ўтроқ ҳукмдорликлар) билан никоҳ алоқалари ўрнатган бўлиб, Хитой, Сосонийлар Эрони ва Византия каби қўшни давлатлардан қиз олиш ёки қиз бериш йўлга қўйилган бўлса, вассалларга асосан қиз берганлиги кўзга ташланади. Хусусан, “Тан шу” йилномасида 590-620 йилларда Самарқандни бошқарган 2 нафар маҳаллий ҳукмдор (Шашеби ва Кюймучжи)нинг Ғарбий турк ҳоконларига куёв бўлиб, “туркларга бўйсунганлиги” ва Суғддаги қолган ҳукмдорликлар устидан устунликка эга бўлганлиги алоҳида таъкидланади[18]. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Деваштич турк ҳукмдорларидан бирига куёв бўлгани учун ҳам амалдаги Панч ҳукмдори бўлган, бироқ ҳуқуқий жиҳатдан танга зарб қилиш ваколати бўлмаган, шу боис Панч тангалари бир муддат унинг хотини, яъни турк ҳукмдорининг қизи номидан зарб қилинган[19].

Суғд ва бошқа воҳа ҳукмдорликлар билан Турк ҳоконлик ўртасидаги никоҳ муносабатлари масаласи бирмунча ўрганилган бўлиб, Ж.К.Скэфф фикрича “Итоатда тутиш учун мутаносиб (мақбул) воситаларнинг энг яхши усули кўчманчилар ва ўтроқ ҳукмдорлар орасида никоҳ алоқаларини йўлга қўйиш эди. Хитой йилномаларида ушбу усулнинг олти мисолини топдим. Биттасини ҳисобга олмаганда, барча воқеаларда ушбу усул туркларнинг аслзода бир аёлни турмуш қуриш учун ўтроқ бошқарувчига узатиши тарзида эди. Хитой йилномаларида мазкур никоҳ муносабатларига ортикча эътибор берилмаганига ва фақатгина йўл-йўлакай қайд қилиниб кетишига қарамай, ушбу усул ҳақида бир қатор муҳим тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Балки бу қиз олиб-қиз бериш кенг миқёсда дашт ва воҳа ўртасидаги алоқаларни кучайтирувчи восита сифатида йўлга қўйилганини кўрсатса керак. Никоҳ алоқалари воситасида сиёсий муносабат ўрнатиш (иттифоқ ташкил қилиш) кўчманчилар сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятидир. Ушбу усул бошқа қабилалар билан ўрнатилган никоҳ алоқаларига таянувчи кўчманчи уруғ ва қабилалар орасида ё ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик сигнали ёки “истилолар учун бир қўшимча чора” сифатида амалга оширилган. Воҳа давлатлари ва қабилалар бошқарувчилари орасида амалга оширилган никоҳ муносабатлари кўчманчиларининг ўтроқ минтақаларда назорат муаммосини ҳал этиш учун қўлланилганидан дарак беради. Шу ўринда кўчманчилар одатича, асосан келин берган томоннинг келин олган томондан устун эканини кўзда тутиганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур”[20]. Ғ. Бобоёров эса бундай муносабатларни ҳоконлик даврида йўлга қўйилган ва ҳануз “кўртақ” шаклида бўлган “кўрагонлик тизими” деб атади[21].

4. Хулосалар:

Қисқаси, муайян бир империя сифатида Турк ҳоконлиги (аниқроғи Ғарбий Турк ҳоконлиги) ўнлаб қabila-уруғ бошқарувлари ва воҳа ҳукмдорликларида қарийб икки асрга яқин ўз ҳукмронлигини ўрнатган пайтда ўз вассалларини назоратда тутишнинг муайян усулларидан фойдаланган бўлиб, бунда маҳаллий сулолаларга унвон бериш (*элтабар*), назоратчи ноиб сифатида махсус вакил юбориш (*тудун*), вассалларга ўз қизларини узатиш орқали назоратни кучайтириш ва ҳақозо каби бевосита ва билвосита бошқарув усулларини қўллагани аён бўлмоқда.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Chavannes ХЕ "Chavannes" E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб., 1903; Смирнова ХЕ "Смирнова" О. И. Очерки из истории Согда. ХЕ "Согд" М.: Наука, 1970; Лившиц В. А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. №4. Москва, 1979. 56-69 бетлар; Гафуров

- Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. М.: Наука, 1972; Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. Ташкент, 1975; Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. Ташкент, 2000; Исҳоқов ХЕ "Исҳоқов" М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент, 1992; Камолитдин ХЕ "Камолитдин" Ш. С. Новые данные о потомках царя Согда ХЕ "Согд" Гурака // Общественные науки Узбекистана. Ташкент, 2003. № 3. 63–68 бетлар; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010.; Grenet ХЕ "Grenet" F., de la Vaissiere ХЕ "Vaissiere" E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. Kamakura 2002. P. 155–196; Skaff ХЕ "Skaff" K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. Ankara, 2002. Vol. 2. P. 364–372; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. Wiesbaden, 2008; Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тузуми. Тарих фанлари доктори унвонини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2012; Бобоёров Ф., Гойибов Б. Суғд бошқарувидаги “элтабар” ва “тархон” унвонларига доир // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. V Республика конференция материаллари. 5-илмий тўплам. 2-қисм [Тошкент давлат шарқшунослик институти; масъул муҳаррир М.М. Исҳоқов]. Т., 2013. Б. 67-78.
2. Отахўжаев А. Суғд шахрининг турк ҳокими // Шарқшунослик. Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2001. №2. 40–42 бетлар.
 3. Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб... 69-70 бетлар.
 4. Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. Тошкент, 2002. №11. 119-129 бетлар.
 5. Исҳоқов ХЕ "Исҳоқов" М. Унутилган подшоликдан хатлар... 3- бет.
 6. Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми... 42-43 бетлар.
 7. Смирнова ХЕ "Смирнова" О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. М., 1981. 34-36 бетлар.
 8. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба... 29, 38- бетлар.
 9. Смирнова О.И. Очерки из истории... 39- бет.
 10. Смирнова О.И. Очерки из истории... 49-51 бетлар.
 11. Аскарлов А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки Узбекистана. Ташкент, 1997. № 3-4. 65–76 бетлар; Muhammadjonov A. O'zbekiston tarixi (IV asrdan XVI asr boshlarigacha). 7-sinf uchun darslik. Toshkent, Sharq, 2009. 17-20 betlar.
 12. Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. Wiesbaden, 2008. S. 225, k. 1250.
 13. Смирнова ХЕ "Смирнова" О. И. Заметки о среднеазиатской титулатуре // ЭВ. Москва – Ленинград, 1961. Вып 14. 55–58 бетлар; ХЕ "Смирнова" Skaff ХЕ "Skaff" K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. Vol. 2. Ankara, 2002. P. 364–372; Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми ... 41-43 бетлар; Кубатин А. В. Древнетюркские термины в согдийских документах с горы Муг Ural-Altaic Studies - Урало-алтайские исследования, № 3 (14) 2014. 12-23 бетлар.
 14. Шювен ХЕ "Шювен" П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда ХЕ "Согд" (Проблемы ономастики и топонимики) // Общественные науки Узбекистана. № 1–3. Ташкент, 1995. С. 33–38.
 15. Бичурин ХЕ "Бичурин" Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии ХЕ "Средняя Азия" в древние времена. В 3-х томах. Том II . М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950. С. 314-316.
 16. История ат-Табари. Избранные отрывки (Пер. с араб. В. И. Беляева. Допол. к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). Т.: Фан, 1987. 225– бет.
 17. Согдийские документы с горы Муг ХЕ "Муг" . Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица ХЕ "Лившиц" . М.: Вост. лит., 1962. 115, 117- бетлар; Grenet ХЕ "Grenet" F., de la Vaissiere

- XE "Vaissiere" E. The last days... P. 157.
18. Бичурин Н.Я. Собрание сведений... II. 311- бет; Chavannes XE "Chavannes" E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. İstanbul: Selenge, 2007. S. 185, 305
 19. Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳоқими ... 40-42 бетлар.
 20. Skaff XE "Skaff" K.J. Western Turk Rule... P. 100
 21. Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги ташқи сиёсатида никоҳ муносабатларининг ўрни // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: "Тошкент Ислом университети", 2011. 46-54 бетлар.
 22. Bakhodir, S. (2022). Modern Trends in the Terminology of Public Administration of the Russian Language. *INTERNATIONAL JOURNAL OF LANGUAGE LEARNING AND APPLIED LINGUISTICS*, 1(5), 41-43.
 23. Bakhodir, S. (2022). Modern Trends in the Terminology of Public Administration of the Russian Language. *INTERNATIONAL JOURNAL OF LANGUAGE LEARNING AND APPLIED LINGUISTICS*, 1(5), 41-43.
 24. Bakhodirovna, S. S. (2022). TURKIC TITLES IN EARLY MEDIEVAL SOGD RULE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10)*, 10-15.
 25. Сулайманова, С. Б. (2022). ИЛК ЎРТА АСРЛАР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА СУҒД ВОҲАСИ ТАРИХИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-2).
 26. Sulaymanova, S. (2023). Ethnocultural Processes of Turkish Khanate Administration in the Sugd Oasis. *INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS DIPLOMACY AND ECONOMY*, 2(4), 161-165.
 27. Маматова, М. Б. (2021). ЧАЙНЫЙ ПУТЬ В СИСТЕМЕ ЕВРАЗИЙСКИХ КОММУНИКАЦИЙ. In Межкультурная коммуникация и миграция в истории народов Центральной Азии (pp. 61-62).
 28. Маматова, М. Б. (2020). Чай в истории народов Евразии. Tallin: Lap Lambert Academic.

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000